



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЯ МИЛЛИЙ МУДОФАА ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 октябрь куни Туркия Республикаси миллий мудофаа вазири, армия генерали Хулуси Акарни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, кўп асрлик дўстлик ва биродарлик ришталарига асосланган ҳамда кейинги уч йилда биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилган Ўзбекистон — Туркия стратегик шериклик муносабатлари ҳар томонлама жадал ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.

Хулуси Акар Ўзбекистон Республикаси Президентига самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғоннинг эзгу тилаklarини етказди.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорлик ҳолати ва истиқболлари кўриб чиқилди, шунингдек, кейинги йилларда мудофаа

соҳасида амалга оширилган қўшма тadbirlar яқунлари сарҳисоб қилинди.

Ўзбекистон ва Туркия мудофаа идоралари ўртасида ўрнатилаётган амалий ҳамкорликнинг муҳим йўналишлари сифатида ҳарбий кадрларни ўқитиш бўйича дастурларни амалга ошириш, ихтисослаштирилган олий таълим муассасалари ўртасида алоқаларни йўлга қўйиш, қўшин бўлинулари тийёрлаш бўйича тажриба алмашиш белгиланди.

Минтақадаги замонавий ҳартлар ва хавфсизликка таҳдидларга қарши биргаликда курашишнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Туркия миллий мудофаа вазири ҳарбий ва ҳарбий-техник соҳаларда кенг қўламли ҳамкорликка тийёр эканини таъкидлади.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ҲАМДА ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда қўлай инвестициявий муҳитни яратиш, хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, давлат улуши сақланиб қолаётган айрим тармоқлар ва йирик корхоналарда бозор механизмларига ўтишнинг кечикаётганлиги янги турдаги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, илғор технологияларни жорий этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, хусусий капитални фаол жалб қилган ҳолда янги иш ўринлари яратишга тўсқинлик қилмоқда.

Давлат иштирокидаги корхоналарда истеъмолчиға йўналтирилган замонавий бошқарув

усуллари, очиклик, шаффофлик ва бозор таомилларини жадал жорий этиш, таннархни пасайтириш орқали даромадларни ошириш, ислохотлар жараёнида хусусий капитал иштироки учун кенгрок имкониятлар яратиш, иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва рақобат муҳитини янада яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири бошчилигида тузилган ишчи гуруҳлари томонидан 3 мингга яқин давлат иштирокидаги корхоналар фаолияти тўлиқ ўрганилганлиги ва иқтисодиётда давлат иштирокидаги корхоналарнинг улушини кескин қисқартириш ва уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Қуйидагилар:

Трансформация қилинадиган йирик давлат корхоналари ва ҳўжалик бирлашмалари рўйхати 1-иловага мувофиқ;

Корпоратив бошқарув ва молиявий аудит жорий этиладиган, операция самарадорлиги ошириладиган давлат иштирокидаги корхоналар рўйхати 2-иловага мувофиқ;

Хусусийлаштиришдан олдин тийёрлаш ва инвестициявий жозибадорлигини оширишнинг манзилли дастурлари орқали оммавий савдоларга чиқариладиган давлат активлари рўйхати 3-иловага мувофиқ;

Давлат акция пакетлари (улушлари) тўлигича оммавий савдолар орқали хусусий секторга сотиладиган корхоналар рўйхати 4-иловага мувофиқ;

Давоми 2-бетда

Янги Ўзбекистон — дунё нигоҳида

ГУАНЧЖОУ ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ БОШ КОНСУЛХОНАСИ ОЧИЛДИ

Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида Ўзбекистон Бош консулхонасининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.

Маросимда Ўзбекистон Республикасининг Хитой Халқ Республикасидаги элчиси Бахтиёр Саидов, Гуандун провинцияси ва Гуанчжоу шаҳар Халқ ҳукумати раҳбарлари, шунингдек, мазкур провинция ишбилармон ва эксперт доиралари ҳамда жамоатчилик вакиллари, Хитойдаги ватандошларимиз иштирок этди.

Тadbirda сўзга чиққан Ўзбекистоннинг элчиси Бахтиёр Саидов Бош кон-

сулхонанинг очилиши Ўзбекистон ва ХХР ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни ривожлантириш, барча соҳаларда амалий ҳамкорлик қўламини кенгайтириш, энг аввало, мамлакатимиз вилоятлари ва ХХР жанубий провинциялари ўртасидаги ўзаро товар алмашув ҳажмларини кўпайтиришга янада туртки беришини қайд этди.

Давоми 3-бетда

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 26 октябрь куни электр энергетикаси корхоналарини трансформация қилиш бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.

✓ **2019 йил 27 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Президент қарори билан собиқ “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамияти негизда**

3 та йўналиш бўйича алоҳида компаниялар — “Иссиқлик электр станциялари”, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари”, “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятлари ташкил этилди.

✓ **Энергетика соҳасига хусусий инвестициялар кириб келиши учун замин яратилди. Натижада бир йилнинг ўзида давлат-хусусий шериклик асосида 2 миллиард долларлик тўғридан-тўғри сармояларни жалб қилиш, 2 минг 700 мегаватт қувватли 6 та янги электр станциясини куриш бўйича лойиҳалар бошланди.**



✓ **Бугунги кунда электр станцияларининг эскирганлик**

даражаси 50 фоиздан юқори. Бундан ташқари, эски қувватларда ёқилғи сарфи янги буғ-газ қурилмаларига нисбатан 2 баравар зиёд.

✓ **Бу халқаро кредит рейтинги олиш, келгусида еврооблигациялар чиқаришда муҳим омил бўлади. Мутасаддиларга шу мақсадлардан келиб чиқиб, мазкур 4 та компаниянинг уч йиллик молиявий модели ва бизнес режаларини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.**

✓ **Трансформация жараёнлариға кўмаклашиш учун корхоналар бошқарувиға ва кузатув кенгашларига чет эллик мутахассислар жалб қилиниши бўйича кўрсатмалар берилди.**

✓ **Ҳозирда электр энергияси улгуржи бозори қоидалари белгиланмагани сабабли инвесторлар билан энергияни қатъий нархларда харид қилиш бўйича узоқ муддатли шартномалар имзоланмоқда.**

✓ **Йиғилишда янги лойиҳаларнинг ижросига ҳам эътибор қаратилди. Маълумки, Жиззах, Самарқанд ва Сурхондарёда куёш, Бухоро ва Қорақалпоғистонда шамол, Сирдарё ва Сурхондарёда иссиқлик электр станциялари барпо этилиши режалаштирилган. Ушбу лойиҳаларни жадаллаштириш, уларға давлат-хусусий шериклик асосида инвестициялар йўналтириш муҳимлиги айтилди.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ҲАМДА ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Хусусий секторга сотиладиган давлат кўчмас мулки объектлари рўйхати 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Молия вазирлиги марказий аппарати тузилмасида бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 24 та штат бирлигининг иборат Давлат иштирокидаги йирик корхоналарни трансформация қилиш департаменти (кейинги ўринларда — Департамент) ташкил этилсин. Мазкур штат бирликлари молия ва давлат солиқ хизмати органларининг 12 тадан штат бирлигини қисқартириш ҳисобидан шакллантирилсин.

Департаментнинг асосий вазифалари этиб мазкур Фармоннинг 1-илоvasида келтирилган давлат иштирокидаги корхоналарда қуйидагиларни амалга ошириш белгилансин:

Молия вазирлиги томонидан давлат номидан акциядор (иштирокчи, мулкдор) ваколатлари ва функцияларини амалга оширишни ташкил этиш;

2021 йил 1 апрелга қадар 2019-2020 йиллар учун молиявий ҳисоботларни молиявий ҳисоботлар стандартлари (IFRS) асосида тайёрлаш ҳамда халқаро кредит рейтингларини олиш графигини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритиш;

2021 йил 1 апрелга қадар ҳар бир корхона учун нуфузли халқаро консалтинг ташкилотларини танлов асосида жалб қилган ҳолда молиявий соғломлаштириш, операцион самарадорлигини ошириш ҳамда ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш;

2021 йил 1 июлга қадар харидлар ва бошқарув тизимларини аудитдан ўтказиш ҳамда "мувофиқлик тизими" (комплаенс) ва коррупцияга қарши хизматларни шакллантиришни назарда тутадиган замонавий корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш;

2021 йил 1 июлга қадар кузатув кенгашларига ва корхоналар бошқарувида халқаро танлов асосида чет эллик соҳа мутахассисларини (жумладан, ватандошларини) фаол жалб этиш орқали кузатув кенгашлари таркибининг камида 30 фоизини ва корхона бошқарувининг камида 3 нафар раҳбар ходимини малакали халқаро мутахассислар билан тўлдиритиш.

3. Молия вазирлиги мазкур Фармоннинг 1-илоvasидаги, Давлат активларини бошқариш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ушбу Фармоннинг 2-илоvasидаги давлат иштирокидаги корхоналар буйича:

2021 йил 1 январга қадар Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси билан биргаликда халқаро стандартларга мувофиқ қайта баҳоланадиган конлар (давлат захиралари) рўйхати ва "йўл хариталари"ни тасдиқласин;

2021 йил 1 февралга қадар 2021 йил учун корхоналарнинг бюджет лойиҳасини ишлаб чиқсин;

2021 йил 1 июлга қадар 3 йиллик бизнес режаларини (жорий фаолияти, инвестиция лойиҳалари ва уларни молиялаштиришнинг аниқ манбалари, шу жумладан, халқаро молия бозорлари маблағлари ҳисобидан, молиявий модели) ишлаб чиқишни таъминласин;

2021 йил 1 июлга қадар корхоналарнинг барча инвестиция лойиҳаларини хатловдан ўтказиб, бошланмаган ҳамда молиявий манбалари аниқ бўлмаган лойиҳаларни тўхтатиш чораларини кўрсин.

Вазирлар Маҳкамаси (Ж.Қўчқоров) 2021 йил 1 январга қадар мазкур бандда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш буйича ушбу Фармоннинг 1 ва 2-иловаларидаги ҳар бир корхона кесимида "йўл хариталари"ни тасдиқласин.

4. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Агентлик:

2020 йил 1 декабрга қадар рақобат муҳитига таъсир қиладиган имтиёз ва преференцияларни хатловдан ўтказиб, уларни бекор қилиш буйича қарор лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин;

мазкур Фармоннинг 1 ва 2-иловаларида келтирилган корхоналарни трансформация қилиш жараёнлари билан биргаликда улар фаолият юритадиган соҳада бозор муносабатлари тамойилларига тўлиқ ўтиш, рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда хусусий секторни жалб қилиш буйича чора-тадбирларни ишлаб чиқсин;

2021 йил 1 январга қадар Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги билан биргаликда "Ўзагросервис" ва "Ўзагрокимҳимоя" акциядорлик жамиятлари фаолиятини танқидий кўриб чиқиб, уларнинг фаолиятини бозор тамойиллари асосида йўлга қўйиш ва соҳада хусусий секторни ривожлантириш буйича таклифлар киритсин.

5. Молия вазирлиги Департамент фаолияти билан боғлиқ масалалар буйича ва Агентликка қуйидаги қўшимча ваколатлар берилсин: танлов асосида халқаро миқёсда етакчи бўлган консалтинг, аудит, "ҳедхантер" ва бошқа зарур компаниялар ва экспертларни жалб қилиш ҳамда улар билан шартномалар тузиш;

лоийха офисларини ташкил этиш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва молиявий таъминлаш (бюджет, давлат иштирокидаги корхоналарнинг маблағлари, халқаро молиявий ташкилотларнинг грант ва қарз маблағлари).

6. Давлат мулкни сотишда тендер савдоларини ўтказиш буйича давлат комиссияси (А.Арипов) 3-иловада келтирилган хусусийлаштиришдан олдин тайёрлаш ва инвестициявий жозибадорлигини оширишнинг манзилли дастурлари орқали оммавий савдоларга чиқариладиган давлат активларининг ҳар бири буйича:

2020 йил 15 ноябрга қадар ишчи гуруҳлари шакллантирилишини;

2021 йил 1 февралга қадар хусусийлаштириш ва инвестициявий жозибадорлигини ошириш учун консалтинг ташкилотлари жалб қилинишини ва амалга оширилаётган ишлар буйича "йўл хариталари" ишлаб чиқилишини;

2021 йил 1 июлга қадар корхоналарни хусусийлаштиришдан олдин тайёрлаш ва инвестициявий жозибадорлигини оширишнинг манзилли дастурлари ишлаб чиқилишини таъминласин.

7. Вазирлар Маҳкамаси (А.Раматов), Қурилиш вазирлиги (Б.Закиров, Ш.Ҳидоятлов), Агентлик (С.Бекенов) икки ой муддатда мазкур Фармоннинг 3-илоvasида келтирилган давлат иштирокидаги лойиҳа-тадқиқот ташкилотларини қайта хатловдан ўтказиб, уларни хусусийлаштиришга тайёрлаш, лойиҳа-тадқиқот ва қурилиш соҳасидаги нуфузли ташкилотларга сотиш ҳамда хусусийлаштириш буйича "йўл хариталари"ни тасдиқласин.

8. Мазкур Фармоннинг 4-илоvasидаги давлат акция пакетлари (улушлари) тўлиғича оммавий савдоларга чиқарилишини самарали ташкил этиш буйича масъул шахслар рўйхати 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

9. Давлат мулкни сотишда тендер савдоларини ўтказиш буйича давлат комиссиясининг янгиланган таркиби 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

10. Давлат мулкни сотишда тендер савдоларини ўтказиш буйича давлат комиссияси (А.Арипов):

а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан биргаликда:

маҳаллий ва хорижий инвесторларни худудларда сотувга чиқариладиган давлат активлари билан таништириш юзасидан зарур чораларни кўриш;

хусусийлаштирилиш белгиланган давлат активларини ташқи инфратузилма тармоқлари билан узлуксиз таъминлаш;

хусусийлаштиришдан кейин корхоналарнинг тўлиқ қувватда ишлаши ва самарали фаолият кўрсатиши буйича шарт-шароитларни яратиш; инвесторларни жалб қилиш буйича бошқа зарурий чораларни кўриш топширилсин;

б) мазкур Фармоннинг 4-илоvasидаги корхоналар соф активларининг давлат акция пакетлари (улушлари)га нисбатан пропорционал қиймати 100 миллион сўмдан ошмаса, уларни истисно

тариқасида, соф активларининг пропорционал улушига тенг (соф активлари устав капиталидан кам бўлганда номинал) қийматда оммавий савдоларга қўйиб бориш топширилсин;

в) Агентлик томонидан 2020 йил 1 ноябрдан бошлаб мазкур Фармоннинг 4 ва 5-иловаларида мувофиқ корхоналар акция пакетлари (улушлари) ва кўчмас мулк объектларининг оммавий савдоларга чиқарилишини таъминлаш топширилсин;

г) қуйидаги қўшимча ваколатлар берилсин: мазкур Фармоннинг 4 ва 5-иловаларидаги давлат акция пакетлари (улушлари), кўчмас мулк объектлари баҳоланган нархда оммавий савдоларда уч ой муддат давомида сотилмаган тақдирда, уларнинг бошланғич нархини Агентликнинг таклифига асосан қайта белгилаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан сотилиши белгиланган давлат активларини сотиш шартлари ва шакллари белгилансин;

кўчмас мулк объектлари ва келгусида шаклланадиган давлат акция пакетлари (улушлари) ҳамда давлат корхоналарини хусусийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиш, уларни сотиш шартлари, савдо тури ва оммавий савдолардаги бошланғич нархини белгилаш.

11. Белгилансинки, мазкур Фармоннинг 4-илоvasига киритилган корхоналар:

давлат акция пакетлари (улушлари) битта лот асосида савдога чиқарилади;

соф активларининг пропорционал улушига тенг (соф активлари устав капиталидан кам бўлганда номинал) қийматда оммавий савдоларга чиқаришдан қиймати 100 миллион сўмдан ошмаган давлат акция пакетлари (улушлари) уч ой давомида сотилмаган тақдирда, улушлар "1 сўм" бошланғич нархда, акция пакетлари "1 та акция — 1 сўмдан битта лот" тамойили асосида қайта савдога чиқарилади.

12. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ: давлат объектларини "ноль" харид қийматида сотиш амалиёти бекор қилинадиган ва улар ўз ваколати доирасида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар Кенгашига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари ҳамда Давлат мулкни сотишда тендер савдоларини ўтказиш буйича давлат комиссиясининг қарорларига асосан инвестиция ҳамда ижтимоий мажбуриятлар асосида "1 сўм" бошланғич қийматда оммавий савдоларга чиқарилади;

давлат унитар корхоналари ҳўжалик жамиятларига ўзгартирилган ҳолда уларнинг давлат акция пакети (улуши) сотилади;

мазкур Фармоннинг 4-илоvasидаги давлат унитар корхоналарини ҳўжалик жамиятларига ўзгартиришда уларнинг устав капитали хатлов ва баҳолаш ўтказмаган ҳолда солиқ органларига топширилган охириги бухгалтерия баланси маълумотлари асосида соф активлари қийматида, соф активлари манфий бўлган тақдирда, корхона устав капитали миқдоридида белгиланади;

давлат активларини сотиб олувчилар тўловларини қонунчиликда белгиланган тартибда бўлиб-бўлиб тўлаш шарти асосида амалга ошириши мумкин;

давлат улушларини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олиш шартномалари доирасида белгиланган графикага асосан қисман тўловни амалга оширган харидорларга тўлиқ тўловлар амалга оширилгунга қадар улуш қийматининг тўланган қисмига мутаносиб равишда жамият бошқарувида иштирок этиш ва дивидендлар олиш ҳуқуқи асосида "тасаруф этиш ҳуқуқисиз" эгалик сертификати берилади;

давлат кўчмас мулки объектларини сотиб олиш шартномалари доирасида қисман тўловни амалга оширган харидорларга сотиб олиш тўловини тўлиқ амалга оширгунга қадар "тасаруф этиш ҳуқуқисиз" давлат ордери берилади.

13. Агентлик Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда уч ой

муддатда бозор ва савдо комплекслари бошқарув тизимини такомиллаштириш ва уларни босқичма-босқич хусусийлаштириш буйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда: бозорлар ва савдо комплекслари аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда, Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари қошида бозор ва савдо комплексларини сотишдан олдин тайёрлаш ишларини амалга ошириш буйича бошқарув компанияларини ташкил этиш;

илгор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда, устав капиталда давлат улуши мавжуд бўлган бозор ва савдо комплексларини замонавий кўринишга келтириш, санитария-гигиена талаблари даражасида сақлаш, бозор фаолияти учун зарур инфратузилмани шакллантириш;

бозор ва савдо комплексларидаги хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳамда хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш назарда тутилсин.

14. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С.Умурақов, Л.Қудратов, Ш.Вафоев) Агентлик билан биргаликда:

а) мазкур Фармона мувофиқ сотиладиган корхоналар акция пакетлари (улушлари) ва кўчмас мулк объектлари буйича:

оммавий савдоларга чиқаришдан олдин маҳаллий ва халқаро инвесторларни жалб қилишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширсин;

Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда салоҳиятли инвесторларни жалб қилиш учун мунтазам равишда учрашув, мулоқот ва тақдимотлар ("Road Show") ўтказсин;

мазкур Фармоннинг 3-илоvasидаги давлат иштирокидаги корхоналарга илгор тажрибага эга салоҳиятли хорижий инвесторларни жалб қилиш буйича манзилли ишларни ташкил қилсин;

б) 2021 йил 1 февралга қадар хорижий тажрибани ўрганган ҳолда махсус иқтисодий зоналар фаолиятига ташқи бошқарувни жорий этиш ҳамда уларни босқичма-босқич хусусийлаштириш буйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Агентлик: Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 декабрга қадар Ўзбекистон Республикасининг чет элда жойлашган давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш, шу жумладан, уларни сотиш, ижарага ёки ишончи бошқарува бериш;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги, тегишли вазирлик, идоралар ва ҳўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда уч ой муддатда давлат улуши устун маъкега эга бўлган корхоналар ва тижорат банкларининг асосий фаолиятига мос бўлмаган активларини тўлиқ хатловдан ўтказиб, уларни оммавий савдолар орқали сотиш буйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда: муассаса сифатида қайта ташкил этиладиган давлат иштирокидаги корхоналар рўйхатини; филиал кўринишида қайта ташкил этиладиган давлат иштирокидаги корхоналар рўйхатини; давлат улуши сақлаб қолинадиган корхоналар рўйхатини;

туғатиш ёки банкротлик таомилларини қўллаш ташаббуси билан чиқариладиган истиқболсиз, фаолият кўрсатмаётган, зарар қўриб ишлаётган ва паст рентабелли давлат иштирокидаги корхоналар рўйхатини тасдиқласин.

17. Агентлик Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан биргаликда "Е-ijro aukšion" ягона электрон савдо майдончасида ўтадиган оммавий савдолар жараёнларининг шаффофлигини

таъминлаш, субъектив ёндашувларни тўлиқ истисно қилиш ва харидорларга қўлайлик яратиш буйича қуйидагиларни назарда тутувчи чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласин;

2021 йил 1 январга қадар ягона электрон савдо майдончасида амалга оширилаётган савдолар тартиб-таомилларини бирихиллаштириш буйича ягона тартибни тасдиқлаш ва унинг асосида давлат органлари билан ўзаро интеграция қилинган савдо майдончасининг такомиллаштирилган дастурий таъминотини ишга тушириш;

2021 йил 1 январдан бошлаб барча аукцион савдолари натижаларини QR-кодни қўллаш орқали расмийлаштириш;

давлат кўчмас мулки объектлари ва улушларини сотиш буйича тақорой аукцион савдоларини ҳар 10 календарь кунда бир маротаба даврийликда амалга ошириш;

харидорларнинг таклифларини аукционда лотлар эълон қилинган пайтдан бошлаб қабул қилиш;

давлат активларини сотиш шартларига мувофиқ бўлган бюртманомана фақат бир нафар талабдор томонидан берилган бўлса, ушбу ягона иштирокчи билан олди-сотди шартномасини тузиш, бундан "1 сўм" бошланғич нархда савдога чиқарилган давлат улуши ва кўчмас мулк объектлари мустасно.

18. Агентлик Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий теле-радиокомпанияси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда ушбу Фармоннинг мазмун-моҳиятини тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш ва ёритишга қаратилган медиа-режани тасдиқласин ва унинг ижросини таъминласин.

19. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш буйича вакил (Бизнес-омбудсман) Бош прокуратура билан биргаликда давлат акция пакетлари (улушларини) сотиб олган инвесторларнинг, шу жумладан, миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини, уларни жамият бошқарув органида иштирок этишида тўсқинлик қилувчи ҳолатлар аниқланганда қонунчиликда белгиланган қатъий чоралар қўрилишини таъминласин.

20. Вазирлар Маҳкамаси: бир ой муддатда 2020-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш учун киритсин;

2020 йил 1 декабрга қадар "Давлат мулкни бошқариш тўғрисида"ги ва "Хусусийлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига белгиланган тартибда киритсин;

уч ой муддатда хусусийлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини хатловдан ўтказиб, унификация қилган ҳолда хусусийлаштириш тўғрисидаги янгиланган низомларни тасдиқласин.

21. Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

22. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А.Ғулямов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2020 йил 27 октябрь

Ш. МИРЗИЁЕВ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 26 октябрь куни қурилиш соҳасидаги лойиҳалар тақдироти билан танишди

Сардоба сув омборидаги ҳодисадан кейин Сардоба ҳамда Мирзаобод

туманларида қисқа муддатда 86 та беш қаватли уй қуриб битказилди.



Президентимиз ушбу лойиҳани маъқуллаб, бундай турар жойларни аҳоли зич жойлашган барча туманларда қуриш зарурлигини таъкидлади.

Яна бир лойиҳа Тошкент давлат техника университети ҳудудида замонавий ўқув-амалий комплекси барпо этишга қаратилган.



Беш қаватли уйлар лойиҳаси қайта кўриб чиқилиб, хонадонларнинг жойлашуви ва хоналарнинг ички майдони мақбуллаштирилди. Қурилиш материаллари лойиҳага мос ўлчамда ишлаб чиқарилади, исроф бўлмайди. Ховли ва йўлақларга сенсорли электр чироқлари қўйилади. Бу каби тежамкор чоралар натижасида уйларнинг нархи ўртача 30 фоизгача арзонлашади.



Дунё тажрибасидан маълумки, кўплаб машҳур илмий муассасалар университетлар ичида жойлашган. Режалаштирилаётган мажмуа ҳам шу ҳудуддаги Тошкент давлат техника университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Турин политехника

университетидаги жами 36 минг талаба, 2 мингдан зиёд профессор-ўқитувчилар учун шундай марказ бўлиши кўзда тутилмоқда. Бу ерда бир пайтда

500 та стартап резидентлари, 120 та ишлаб чиқариш корхонасини жойлаштириш мумкин бўлади.

Шаҳарнинг истиқболдаги замонавий марказини барпо этиш буйича лойиҳа ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ, кўчаларни кенгайтириш ва кўкаламзорлаштириш, кўللار ва истироҳат боғлари ташкил этиш, савдо ва маъшии хизматларни кўпайтириш назарда тутилган.

Жорий йилда қишлоқларда 12 мингдан зиёд, шаҳарларда 18 мингдан ортиқ кўп қаватли турар жой барпо этилмоқда.

Янги Ўзбекистон — дунё нигоҳида

Гуанчжоу шаҳрида ЎЗБЕКИСТОННИНГ БОШ КОНСУЛХОНАСИ ОЧИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Йирки саноат, молия ва транспорт маркази бўлган Гуанчжоу шаҳри минтақалараро алоқаларни ривожлантириш, савдо, иқтисодиёт,

инвестиция, энергетика, транспорт коммуникациялари ва бошқа соҳаларда ҳамкорликнинг мустақамла-нишида муҳим ўрин тутиши таъкид-ланди.



Гуандун, Фуцзянь, Хунань, Хайнань провинциялари ҳамда Хитойнинг Гуанси-Чжуан автоном тумани ушбу Бош консулхона округига ки-ради.

Бош консулхонанинг очилиш маросими доирасида Ўзбекистон-нинг сармоявий, экспорт ва сай-ёҳлик салоҳияти тақдироти ҳам бўлиб ўтди.

Тадбир иштирокчилари эътибори-га Ўзбекистондаги ишбилармонлик муҳити, эркин иқтисодий зоналар ҳудудларида бизнес юритиш учун яратилган қулай шароитлар, қури-лиш, тўқимачилик саноати, қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш борасида эришилган муваффақият-лар ҳамда бу йўналишларда ҳамкор-ликнинг истиқболлари оид маълу-мотлар ҳавола этилди.

Шўҳрат УМИРОВ,
“Дунё” АА муҳбири

Пекин

Маҳаллийлаштириш

ҚўЛ МЕХНАТИ ЕНГИЛЛАШДИ



Феруза ХУДОЙҚУЛОВА,
журналист

“Ўзбекистон темир йўллари” ак-циядорлик жамияти тасарруфида-ги корхона ва заводларга жорий этилаётган замонавий техника ва технологиялар соҳа тараққиётини белгиловчи омил бўляпти. Хусусан, бугунги кунда “Ўзтемирйўлмаштаъ-мир” унитар корхонасида амалга оширилган янгилангандан бири шуки, завод ишчи-ҳодимларининг саъй-ҳаракати билан ЧМЭ-3 теп-ловозларини капитал таъмирлаш орқали уларнинг хизмат муддатини узайтиришга эришилди.

— Илгари ушбу тепловозларнинг хизмат муддати 32 йил бўлса, энди-ликда уларнинг умрини яна қўшимча 18 йилга узайтирилади, — дейди корхона бош технологи Маъруф Рих-сбоев. — Қўл меҳнати енгиллашти-риш мақсадида эса инновацион го-ялар асосида 130 та янги ускуна ва қурилма такомиллаштирилди. Масалан, локомотивларни йиғиш,



дизелларини таъмирлаш цехларига автоматлаштирилган ювиш маши-налари ўрнатилди. Авваллари бу жараён қўл меҳнати билан амалга оширилган бўлса, эндиликда тепло-воз ва электровозлар катта қурилма ичига киритилади ва барча тозалаш ишлари биргина тугмани босиш ор-қали автоматик тарзда амалга оши-рилади.

Заводда замонавий таъмирлаш учун “Контоветил” қурилмаси ҳам яратилди. Унинг ёрдамида йирки ҳажмдаги оғир тоннали тележкалар ағдарилган ҳолда назоратдан ўткази-лади ва таъмирдан ҳам чиқарилади.

Механик Карим Халлаев ҳам-да етакчи конструктор Анатолий Малков раҳбарлигида темирчилик-пресслаш цехида маҳаллийлашти-риш дастурига мувофиқ, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлардан шуру-п ишлаб чиқариш йўлга қўйил-ди. Бунинг учун дастгоҳларга инно-вацион лойиҳалар асосида янгилки-киритилиб, уларнинг ишлаш тизими қўшимча равишда шуру-п тайёрлаш-га ҳам мослаштирилди. Улар илгари

хорижий давлатлардан катта валюта эвазига келтирилар эди. Эндиликда бунга ҳожат қолмади. Бу маҳсулот-дан ер усти метроси қурилишида ҳам фойдаланиляпти.

Корхона цехларига Хитойнинг “CUEC” фирмасидан келтирилган 123 та янги замонавий стент ўрна-тилди. Бу нафақат қўл меҳнати енгиллаштиришга, балки дастгоҳ-ларнинг автоматлаштирилишига, қолаверса, ишлаб чиқариш кўлами-нинг кенгайиши, тепловоз ва элект-ровозларнинг сифатли таъмирла-нишини жадаллаштиришга хизмат қиляпти. Маскур стентларнинг хоти-расига илгари назоратдан ўтказил-ган ва сифат даражаси синчковлик билан текширилган эҳтиёт қисм-лар ҳақидаги барча маълумотлар жойлаштирилган. Бу, ўз навбатида, фойдаланиладиган ҳар қандай де-талнинг ҳолатини билиш, сифатли таъмирланишига имконият яратади. Ана шундай муҳандислик таклиф-лари асосида ишлаб чиқариш имко-ниятлари кенгайиб, вақтдан ва нақд-дан ютишга эришиляпти.

Муносабат

МУКОФОТ — ЖАМОАМИЗГА БИЛДИРИЛГАН ИШОНЧ



Феруза ЗАКИРОВА,
Ички ишлар вазирлигининг
Марказий поликлиникаси бош шифокори, полковник,
II даражали “Саломатлик” ордени соҳиби

1998 йили мени ҳарбий шифокорликка ишга таклиф этишганида қайнотам аёл фақат уйда эмас, жамиятда ҳам ўзининг муносиб ўрнини топиши кераклигини айтган эди. Ишга кириш учун шубҳадан ўтаётганимда, устозларим турмуш ўртоғим ҳарбий бўлгани боис, бу соҳанинг пасту баландини яхши билишимни айтиб, ўзимга ишончимни янада оширган.

ҳолда, уларнинг саломатлигини сақ-лаш, профилактикаси ва реабилита-цияси учун ҳамиша ҳаракат қиламиз. Тоби қочган ҳодимларга кечиктир-май таъхис қўйиб, қисқа муддатда саломатлигини тиклаш ва сафга қайтишига кўмаклашиш — кундалик вазифамиз. Улар касбининг масъу-лиятлилиги зиммасиздаги вазифани яна бир қарра оширади.

Бутун дунё пандемия шароитида яшаётган бир даврда, афсуски, ҳар-бийларимиз орасида ҳам касаллик билан тўқнаш келганлар бор. Улар-нинг касалликка чалинмасликлари учун профилактик чоралар қўряп-миз. Ҳарбий шифокорлар оила-ларда тушунтириш ишларини олиб борапти. Шифохонадаги ҳодимлар саломатлиги учун уларга ҳам тиб-бий, ҳам руҳий далда бўлмоқдалар. Ҳар бир бемор ҳаёти мен учун —

алоҳида саҳифа. Уларни доволаш жараёнида бу саҳифага ўз сўзи-мни ёзаман, имзоимни қўяман. Фик-римни қанчалик тўғри ифодаласам, уларни ишонч билан доволасам, ҳаётимга шунча файз киради.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ҳодимлари кунли муносабати билан бир гуруҳ ҳодимларни мукофотлаш тўғрисидаги фармонида мувофиқ, II даражали “Саломатлик” ордени билан тақдирландим. Бу нафақат меннинг, балки бутун жамоамизнинг меҳнатлари эътирофи.

Президентимизнинг табригини ўқир эканман, зиммасиздаги вазифа қанчалик масъулиятли, ўз навба-тида, шарафли эканини ҳис қилдим. Бу келгуси фаолиятимиз самарадор-лигини оширишга хизмат қилади, албатта.

Янгича ёндашувлар

ОЧИҚЛИК ВА ШАФФОФЛИК КЎЗГУСИ

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи

Халқаро тадқиқотларга кўра, ривожланган мамлакатлар ҳукуматларининг 7 та давлат секторига оид очиқ маълумотларни аҳолига бепул ва қулай йўлларда тақдим қилиши бир йилда давлат бюджетининг ўрта ҳисобда 3-5 триллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағи тежалишига олиб келар экан. Хусусан, биргина таълим соҳасига оид маълумотлар билан аҳолини бохабар қилиш ўртача 1 миллиард АҚШ доллари миқдорида фойда келтириши, транспорт тизимида оид ахборотлар тармоқларининг шакллантирилиши 700-900 миллиард АҚШ долларигача бўлган маблағни тежаб қолишга олиб келиши аниқланган.



ОЧИҚ МАЪЛУМОТЛАР ПОРТАЛИ

Маълумки, очиқ маълумотлар деган-да, интернет тармоғида маълумотлар массиви форматда жойлаштирилган, инсон томонидан олдидан ўзгартириш киритилмасдан (машина ўқийдиган) фой-даланиладиган ва автоматлаштирилган тарзда ишлов берилишини таъминлайди-ган ҳамда эркин (бепул) фойдаланилади-ган давлат ва маҳаллий ўзини ўзи идора қилиш органлари фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тушунилади.

— Ҳозирги кунга қадар порталда 145 та вазирлик ва идораларнинг маъ-лумотлар тўпламлари жойлаштирилди, юклаб олишлар сони эса 6,8 миллион-дан ошди, — дейди Давлат статисти-ка қўмитаси бошқарма бошлиғи Ақром Султонов. — 60 дан ортиқ давлат орган-ларининг 1 473 та маълумотларини ўз ичига олган очиқ маълумотлар тўплами

рўйхатининг янгиланган варианты ишлаб чиқилди ҳамда тасдиқланди. Улардан 1 096 таси Давлат статистика қўмитаси томонидан жойлаштирилаётган маъ-лумотлар тўпламлари ҳисобланади. Бундан ташқари, вазирлик, идоралар ва ҳудудий ҳокимият органлари томо-нидан, фойдаланувчиларнинг талаб-ларини инобатга олган ҳолда, қўшимча маълумотлар тўпламлари ҳам порталга жойлаштириб борилмоқда. Натижада 2019 йил бошида Очиқ маълумотлар порталида жами 4 мингга яқин маълу-мотлар тўпламлари ўрин олган бўл-са, ҳозирги кунга келиб, уларнинг сони 10 мингга яқинлашди ҳамда улар ўзбек, рус ва инглиз тилларида жойлаштирилди.

Илгари порталнинг инглиз тилида-ги талқини йўқ эди. Эндиликда барча статистика маълумотлари нафақат уч

Натижада 2019 йил бошида Очиқ маълумотлар порталида жами 4 мингга яқин маълумотлар тўпламлари ўрин олган бўлса, ҳозирги кунга келиб, уларнинг сони 10 мингга яқинлашди ҳамда улар ўзбек, рус ва инглиз тилларида жойлаштирилди.

тилда, балки ҳар қандай машина ўқий-диган форматда ҳам чоп этилади. Бу маҳаллий, хорижий компания ва таш-килотлар учун муҳим аҳамиятга эга. Айти пайтда статистик маълумотларни бўзиб қўрсатиш маъмурий жавобгар-ликка тортилишини ҳам ҳисобга олиш керак бўлади.

ХАЛҚАРО НУФУЗНИ ОШИРИШ АСОСЛАРИ



2020 йил октябрь ойидан Дав-лат статистика қўмитаси, IT-Park, шунингдек, ЕХХТнинг Ўзбекис-тондаги лойиҳалари Координато-ри томонидан “Очиқ маълумот-лар соҳасини ривожлантириш” ўқув вебинарлари ташкил этили-ши бошланди, ушбу курсларда 100 га яқин вазирлик ва идоралар-нинг 200 га яқин ходимини ўқитиш режалаштирилган.

— Дунёдаги 2600 дан ортиқ очиқ маълумотлар порталлари-нинг тўлиқ рўйхатини қамраб ол-ган “Open data Inception” маълу-мотига кўра, жаҳон мамлакатлари орасида Ўзбекистон 70 та очиқ маълумотлар манбалари мавжуд-лиги бўйича жаҳонда 6-ўринни эгаллади, — дейди Давлат ста-тистика қўмитаси бошқарма бош-лиғи Ақром Султонов. — БМТнинг “Электрон ҳукумат кузатуви — 2020” да “Очиқ ҳукумат маълумот-лари индекси” бўйича Ўзбекистон энг юқори (Very High OGD) кўрсат-кичига эга бўлган жаҳоннинг 41 та мамлакати орасидан жой олди.

Шу ўринда қайд этиш жоиз, “Электрон ҳукумат кузатуви — 2020” Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши томонидан ҳар икки йилда бир марта эълон қилинади. Бу БМТга аъзо барча давлатларнинг электрон ҳукуматининг ривожланиш даражасини баҳолайдиган ягона глобал ҳисобот саналади.

Қўмитанинг расмий веб-сайти эса Буюк Британияда жойлашган нуфузли “Очиқ маълумотлар инсти-тутти” томонидан бериладиган энг юқори — “Platinum” даражага эришди.

ОЛДИНДА ТУРГАН ВАЗИФАЛАР

Президентимизнинг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон — 2030 стратегиясини тас-диқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида Ўзбекистон Республикасида Очиқ маълумотлар соҳасини янада ривожлантирувчи бир қатор йўналишлар белгилаб берилди.

— Энг аввало, фармонда электрон ҳукумат-ни ривожлантириш мақсадида, истеъмолчилар талабидан келиб чиққан ҳолда, очиқ давлат маълумотларини ишлаб чиқиш, шакллантириш ва улардан фойдаланиш механизмларини тако-миллаштириш, шунингдек, “очиқ маълумотлар”га асосланган давлат мобил иловани ва дас-турлари улушини ошириш вазифаси қўйилди, — дейди Ақром Султонов. — Очиқ маълумотларга қулай киришни таъминлаш учун давлат идора-ларига APIларни ишлаб чиқиш ва тақдим этишимиз зарур.

Соҳани янада ривожлантириш мақсадида давлат органларининг идоравий ахборот тизим-ларини ва ресурсларини Очиқ маълумотлар пор-тали билан интеграция қилиш, маълумотларни стандартлаштирилган шаклда юритиш, интерак-тив харишта объектнинг географик жойлашув маълумотларини киритиш, давлат-хусусий ше-рикликни мустақамлашган ҳолда, мобил илова-лар ишлаб чиқувчилар фаолиятини рағбатлан-тириш орқали очиқ маълумотлар тўпламларини такомиллаштиришга жалб этиш каби масалалар устуида иш олиб борилмоқда.

Очиқ маълумотлар соҳасини ривожлантириш-га қаратилган Концепция ишлаб чиқиш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг эҳтиёжларини ҳисобга олиш механизминини шакллантириш, маъ-лумотларнинг сифатини янада ошириш ва умум-жаҳон тан олинган талаблар асосида тайёрлаш билан бир қаторда порталнинг жаҳон талаблари-га мос янги версиясини ишлаб чиқиш, нуфузли рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республи-касининг иштирокини таъминлаш ҳамда уларда юқори натижаларга эришиш учун мустақам за-мин яратиш ҳам энг устувор вазифалар сирасига киради.

Уларнинг ижроси Очиқ маълумотлар порта-ли мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самараларини ўзида акс эттирадиган, айти чоғда давлат органлари фао-лияти устидан жамоатчилик назоратини янада кучайтиришга хизмат қиладиган муҳим ахборот ресурсига айланади, юртимизнинг ошқоралик ва шаффофлик борасидаги нуфузи жаҳон рейтинг-ларида янада ошишини таъминлайди.

Мавсум

Усмонали НОРМАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бу йил Сурхон боғларида анор мўл бўлди. Боғбонлар яқинда ҳосилни тўлиқ йиғиб олди. Бугун воҳанинг қайси қишлоғига борманг, анор савдоси авжига чиққанининг шохиди бўласиз.

СЕРҚУЁШ ЗАМИНИМИЗНИНГ ЁҚУТ МЕВАСИ

Анор мўллигидан улгуржи харид қилувчилар ҳам рўзгор тебратяпти. Боғбоннинг анори иккинчи ҳамда учинчи қўлга ўтса ҳам нархи бошқа меваларга нисбатан анча арзон. Масалан, Сурхондарёда 1 килограмми 1,5-2 минг сўм. Айрим ишбилармон кишилар

эса анорни механик ускуналар ёрдамида сиқиб, шарбатини сиғими 1-1,5 литрли идишларда анча арзон сотаяпти.

Яқин вақтга нафақат Сурхондарёда, балки мамлакатимизда Саросиё туманидаги “Дашнобод”, Термиз туманидаги

“Халқобод” ширкат хўжаликлари боғлари ҳамда аҳоли томорқаларида етиштириладиган анорларнинг кўриниши чиройлилиги, ранги тозаллиги, тўқ қизил данининг ширинлиги билан тилга тушганди. Афсусли, атмосфера бузилиши ва турли касалликлар таъсирида охириги пайтда ҳар

икки хўжалик анорлари доврига бир қадар сўнди. Анчадан буён Шеробод тумани анорзорларида етиштирилаётган мевалар хариддорлиги ва таъми ширинлиги, айрим мевалар 1,5-1,7 килограммгача тош босиши билан ҳамманинг ҳавасини келтирмоқда.

боғбонлар сақланаётган меваларни экспортга юклашади.

— Анордан йилгига ўртача 750 миллион сўмгача даромад қиламиз, — дейди Т.Расулов. — Даромадимизнинг тенг ярмини анорзор парваришига сарфлаймиз. Кўзни қувнатадиган, ҳар бири нимкосадая келадиган ширинданак анор ўз-ўзидан бунёд бўлмайди. Анор етиштириш жуда сермашақат. Мева йиғиштириб олинган кундан бошлаб дарахтларнинг ортиқча ва ҳосил тугмайдиган шохини кесиб чиқамиз. Гектарига бир тоннадан маҳаллий ўғит, 200-300 килограммдан аммофос солиб, ҳар бир дарахт остини пойнеллаимиз, юмшатамиз. Бир ярим ойдан кўпроқ давом этадиган бу юмушларни бажариш учун 180-200 мавсумий ишчи жалб қилинади. Қўрт ва зараркунанда капалакларга қарши ҳам биологик, ҳам кимёвий усулда курашамиз. Сурхондарёнинг қуёши тафтида меванинг пўсти қорайиб қолади, синтез жараёни бузилади. Дарахтларнинг майда барглари мевани қуёшдан пана қилолмайди, анорнинг сифати бузилади. Хариддорлигини йўқотди. Шу боис, мева қаттара бошлаган май ойидан қозғ билан ўраб чиқилади. 300-400 киши анорзорда меҳнат қилади, тонна-тонна қозғ сарфланади. Бунинг барчаси харажат. Анор сувни яхши кўради. Дарахт ости доимо нам бўлиши шарт. Парвариш даврида азотли, калийли ва фосфорли ўғитлар солиниб, 7-8 мартагача суғорилади. Озуқага шерик бўлмаслиги учун дарахт остидан кўкариб чиқадиган бачки шохлар ҳафта-ун кунда юлиб турилади. Шундай меҳнат ва харажатлар эвазига боғбонлар элга анор тортиқ этади.

Тажрибали боғбонларнинг айтишича, бу йил анор ҳар йилгидан кўп бўлса-да, меванинг 40 фоизи, айрим далаalarda 50 фоизи ёрилган.

— Анор — сувсавар ўсимлик. Шеробода август ойидан кейин сув қамайд, — дея бунинг сабабини изоҳлайди Тожи-муҳаммад боғбон. — Оқибатда дарахт остида нам қочақ, мева ёрила бошлайди. Иккинчинг ҳам таъсири йўқ эмас. Бу йил августгача об-ҳаво ўта иссиқ бўлди, кейин кечалари анча салқинлашди. Яна бир гап. Об-ҳаво иссиқ келгани сабабли, анорнинг илк гуллари туқилди. Иккинчи гуллашдаги мевалар қолди. Шу боис, аввалгидай ҳар бири 1-1,2 килограмм тош босадиган анор йўқ. Меванинг энг қаттаси 600-700 грамм. Қувнотирадиган жиҳат шуки, табиатга боғлиқми, анорларни кессангиз, ҳаммаси да-наги тўқ қизил, оқ данакли анор йўқ ҳисоби.

Шерободаги мутахассислар ва боғбонлар билан сўхбат жараёнида аҳоли томорқалари, деҳқон ва фермер хўжалиқларининг анорзорларидан жами 23 минг тонна ҳосил йиғиб олингани ойдинлашди. Меваларнинг бир қисми бутун вилоят бўйлаб сотиляпти ва қўшни вилоятларга ҳам олиб кетиляпти. Эътиборга молиқ жиҳат шуки, Шеробода анорзорлари янада кенгайтириш режалаштирилмоқда. Айни пайтда туман раҳбарлари пахта ва ғалладан юқори ҳосил олиш имконияти бўлмай қолган 3 минг гектар заминни аҳоли ва талабгорларга тарқатиб бериш режасини тузмоқда. Демак, келгуси йил туманда анорзорлар умумий майдони 5 минг гектарга етказилади.

Шубҳасиз, келгусида анор ҳосили кўпайгач, экспорт қилиш, бир қисмидан шарбат ишлаб чиқариш, пўчоғидан до-риворлар ва табиий ранглар тайёрлашда фойдаланиш чоралари кўрилади. Жорий йил бошида “Шеробод Агро Импекс” МЧЖ тадбиркорлари анор пишганда, аҳоли томорқалари, деҳқон ва фермер хўжалиқларида етиштирилган ҳосилнинг бир қисmini харид қилиб, экспортга жўнатиш ҳамда шарбат тайёрлаб, қадоклашни режалаштирганди. Бугунга келиб, тадбиркорлар сиғими 600 тонналик омборхона барпо этди, холос.

— Жанубий Кореядан анорни сара-лаб, қадоклайдиган технология олиб келишга буюртма берганди. Улар етиб келди, — дейди “Шеробод Агро Импекс” МЧЖ раҳбари Дилшод Қамбаров. — Пандемия шароити туфайли Словениядан анор шарбати тайёрлаш техникалари энди вагонларга юклаб жўнатишган. Нима бўлганда ҳам йил охиригача ускуналарни қабул қилиб, ўрнатамиз, аммо бу йил ҳисобидан анор харид қила олмаймиз. Насиб бўлса, 2021 йил тумани-нинг 50 фоиздан кўпроқ анорини харид қилиб, қайта ишлаймиз.



Устоз ўғити ўз меваларини тугаяпти

Шеробода анорнинг “пири” даражасига етган боғбонлар жуда кўп. Масалан, Улуг Норматов оила аъзолари томорқасидаги дарахтлардан ҳар йили 40-50 миллион сўм даромад топяпти. Бу йил улар 6 тонна анор етиштирди. Яна бир тадбиркор, томорқачи боғбон Бутаёр Худойкулов томорқасида яхши қаров кўрган дарахтлардан 10 тонна мева узилди. Томорқачилар анордан юқори ҳосил етиштириш билан бирга, уни март ойигача сақлаб, қимматроқ сотишни ҳам эплайди. Асосийси, қайси оиллага кирманг, ҳар бирида 15-20 тонна анорни узок вақт табиий ҳолда сақлаш учун ертўла ёки бостирма қилинган. Ҳозир тадбиркор томорқачилар меванинг майдороғи ва ёрилганларини бозорда сотаётган бўлса, энг сара анорларни битталаб плёнка халтачаларга ўраб, картон қутиларга солиб, ертўлада сақлаш учун жўлаштирган.

Нуртёпа қишлоғида яшовчи Тожи-муҳаммад Расулов ҳам бўш вақтида отаси, моҳир боғбон Маматхалиқ Расуловдан анор етиштириш ва юқори ҳосил олиш сирасорларини ўрганган. Ширкат хўжалиги тугатилиб, фермер хўжаликлари тузилган кезларда 18 гектар ери олиб, “Маҳаллий”, “Тошқўрғон”, “Қора дон” навли анор қаламчаларини экиб, парваришлади. Бу орада деҳқон хўжалиги “Расулов Тожи” МЧЖга айлантирилди ва бугун тажрибали боғбон барпо этган анорзорлар 151 гектарга етди. Тожи-муҳаммад боғбон анорзорлари қаровини унутмаган ҳолда, мўл ҳосил берадиган дарахтлардан йилгига 200-250 минг донна қаламча ҳам тайёрлайди. Уларнинг бир қисми билан анорзорлари хатосини тўлдирса, қолганини боғ ташкил этиш учун ҳавасмандларга сотади. Ҳозир МЧЖ боғбонларининг 8 гектар анорзори тўлиқ ҳосилга кирган. Ҳар йили анор сотишдан 700-750 миллион сўмгача даромад қилинапти. 143 гектар майдондаги ёш нихоллар қатор ораларидан ҳам унумли фойдаланишда, эртаки сабзавотлар ҳамда дуккаки экинлар етиштириб, қўшимча даромад олинапти. Анорзордан мўл ва сифатли мева етиштириш бўйича тажриба мактабини яратган Тожи-муҳаммад боғбон юқори ҳосил олиш сирларини ёшларга ҳам ўргатмоқда.



Сурхон анорлари хориж бозорларини эгаллади

Тожи-муҳаммад Расулов шу йил бошида воҳадаги бир гуруҳ раҳбар, мутахассис ва боғбонлар билан Новосибирск вилоятига бориб, анор экспорти бўйича шартнома тузганди. Утган йил 70 тонна анорни экспортга жўнатган боғбон бу борада анча тажриба ортирган. Унинг айтишича, шартнома тузган ишбилармонлар Шеробода юк машиналарини жўнатади ҳамда келаси йил Тожи-муҳаммад ва унга шерик

Муносабат

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛКНИ ҲИМОЯЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ ТАКОМИЛЛАШАДИ



Бобоқул ТОШЕВ,
юридик фанлар доктори

Жорий йил 12 октябрда Президентимиз раислигида интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган йиғилишда соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш, интеллектуал мулк ҳимоясини кучайтириш ҳамда ҳар бир соҳа ва тармоққа илмий ютуқларни олиб кириш масалалари муҳокама этилди.

Шу ўринда бир савол туғилади. Ҳўш, интеллектуал мулк ўзи нима? Нима сабабдан интеллектуал мулк муҳофазаси ва ривожига эътибор бу қадр кучаймоқда?

Бу саволларга жавоб сифатида шуни айтиш мумкинки, интеллектуал мулк инсон томонидан яратилган ижодий ақлий фаолият маҳсули ҳисобланади. Интеллектуал мулк иқтисодиёт ривожланган мамлакатларнинг деярли барчасида интеллектуал мулк ривожига катта эътибор қаратилган сабабли, уларнинг инвестициявий жозибадорлиги яхшилланган, интеллектуал мулкнинг ички ялли маҳсулотдаги улуши кескин ортган. Мисол учун, интеллектуал мулк Европада ялли ички маҳсулотнинг 45 фоизини, Хитойда 12, Россияда эса 7 фоизни ташкил этади.

Бугунги технологик тараққиётда интеллектуал мулк ҳар бир мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда, давлатнинг глобал иқтисодиётдаги рақобатбардошлигини белгилаб бермоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, интеллектуал мулкнинг иқтисодиётга келтирадиган фойдасини қўйидаги мисол орқали кўриш мумкин. 2019 йил АҚШда умуртқа мушак атрофиясини даволаш учун янги дори воситаси ишлаб чиқилган бўлиб, унинг патент нархи 2 миллион АҚШ долларидан ошади, бу дунёдаги энг қиммат дори ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам интеллектуал мулкни ривожлантириш ва уни ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Интеллектуал мулк агентлиги 2019 йилда Адлия вазирлиги тизимига ўтказилгани натижасида ушбу соҳани такомиллаштириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Адлия вазирлиги

ташаббуси билан интеллектуал мулк соҳасини ривожлантириш мақсадида тизимли ислохотлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, ушбу соҳага корпорацияга қарши курашиш механизми жорий этилди. Агентлик амалий тажрибага эга бўлган кадрлар билан тўлдирилди ва уларни моддий рағбатлантириш чоралари кучайтирилди. Интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жараёнига илк мартаба 200 дан ортиқ ҳудудий адлия органи жалб қилинди. Шунингдек, очкич ва шаффофлик принципини таъминлаш мақсадида интеллектуал мулкни давлат рўйхатидан ўтказишда талабномаларни қабул қилиш жараёни тўлиқ электрон шаклга ўтказилди.

Бундан ташқари,

Интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазасини янада кучайтириш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан киритилган тақлифларга асосан, интеллектуал мулк соҳасида содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликларга белгиланган маъмурий жарималар миқдори 3-4 баравар оширилди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга муаллифлик ҳуқуқини ва турдош ҳуқуқларни бузиш ҳамда ихтирога, фойдала моделга ва саноят намунасига бўлган ҳуқуқларнинг бузилиши юзасидан янги нормалар киритилди.

Адлия вазирлиги томонидан қисқа муддат ичида қилинган ушбу ишлар интеллектуал мулк соҳасини ҳар томонлама ривожлантириш ва объектларининг мулк соҳасидаги ҳуқуқий ҳимояни янада кучайтириш мақсадида Интеллектуал мулк кодексини ишлаб чиқиш режалаштирилган.

Барча чора-тадбирлар интеллектуал мулк соҳасини янада такомиллаштириш, шу жумладан, тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантиришга қаратилган зурур шарт-шароитларни яратиш, интеллектуал мулкнинг ишончли ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш ва, албатта, инвестициявий жозибадорликни юксалтириш орқали мамлакатимизнинг халқаро майдондаги имижини янада яхшилашга хизмат қилади.

Интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жараёнига илк мартаба 200 дан ортиқ ҳудудий адлия органи жалб қилинди. Шунингдек, очкич ва шаффофлик принципини таъминлаш мақсадида интеллектуал мулкни давлат рўйхатидан ўтказишда талабномаларни қабул қилиш жараёни тўлиқ электрон шаклга ўтказилди.

Келажак бунёдкорлари



— Абатбай Сапарбаевич, бугунги Ўзбекистон кечаги Ўзбекистондан тубдан фарқ қилади. Кейинги 3-4 йил ичидаги мамлакатимиздаги ўзгаришларга қандай баҳо берасиз?

— Юрт ободлиги ва халқ розилиги. Бу улугʻ тушунчалар доимо ёнма-ён ва ҳамоҳангдир. Ана шу ҳамоҳанглик халқимизнинг асрий орзу-интилишлари рўёбга чиққан, эл-юртимиз томонидан шоду хуррамлик билан қабул қилинаётган инсон манфаатлари йўлидаги ислохотлар қизгин паллага кирган бугунги кунда яна бир бор ўз тасдиғини топмоқда. Гап шу ҳақда кетганда, албатта, барча соҳаларда катта ўзгаришлар ва ислохотлар амалга оширилаётганини, давлатимиз раҳбарининг халқимиз ҳаётини чуқур билиб, аҳоли манфаатларини тўғри баҳолай олиш қобилияти ва салоҳияти янги уфқларни очиб бераётганини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Бугун юртдошларимиз нигоҳида ҳаётдан розилик ва эртанги кунга мустаҳкам ишончни кўриб турибмиз. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, халқимиз жамият ҳаётининг барча жабҳаларидаги ислохотлар самарасини, хусусан, аҳоли учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифати таъминланаётганини ўз турмуши мисолида кўриб, сезиб турибди. Бу эса фуқароларнинг бахтли-саодатли, фаровон умр кечиришини кафолатлаш, ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналиши эканидан далолатдир.

Ислохотлар ҳақида айтадиган, янгиланишларни сарҳисоб қиладиган бўлсак, тўғриси, халқимиз ҳаёти ва дунёқарашини ўзгартирган, жаҳон ҳам-жамиятида мамлакатимиз обрў-эътибори ва имижини шакллантирган ислохотлар қилинган қўдратимизга шубҳа билан қарайдиган, таҳлилдан кўра танқидни хушлайдиган баъзи инсонларнинг ҳам ақлини шошириб қўйди.

— Қорақалпоғистонда юз бераётган тарихий воқеалар, бугунги ислохотларнинг юксалишини қай даражада ҳис этмоқдасиз?

— Бу қутлугʻ жараён қорақалпоғистонликларнинг қаддини тиклаб, қўнғлини тоғдек юксалтиряпти. Бугун диёримизда аҳолини йиллар давомида қийнаб келган муаммоларга ечим топилиб, инсон бахту саодати учун нима зарур бўлса, барча шароитлар мухайё қилинмоқда.

Президентимиз Қорақалпоғистонга ҳар бир ташрифи чоғида халқимиз

турмушини яхшилашга алоҳида эътибор қаратади. Бунга халқимиз ўз турмушида юз бераётган ўзгаришларда сезмоқда ва бу ишлар чин маънода қорақалпоғистонликлар ҳаётида янги тарих саҳифаларини очмоқда.

Биргина Мўйноқ тумани мисолида айтадиган бўлсак, бугун бу маскан энг оғир экологик шароитдан маданияти, санвати, иқтисодиёти ривожланган, аҳолисининг яшаш шароитлари яхшиланаётган замонавий ҳудудга айланиб бормоқда.

Эътироф этиш жоизки, Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 2017 йилдаги 72-сессиясида бир қатор аҳамиятли масалалар қаторида Орол фожиясига дунё халқларининг, халқаро ташкилотларнинг эътиборини қаратгани тарихий воқеа эди. Бугун Мўйноқ туманининг ривожланиши ҳақида айт-тар эканмиз, албатта, Президентимизнинг Қорақалпоғистонга ташрифлари чоғида берган кўрсатмалари асосида ишлаб чиқилган “йўл хариталари”, дастурлар, қарорлар муҳим аҳамият касб этаётганини эътироф этиш жоиз.

Биргина мисол. Президентимизнинг Оролбўйи ҳудудини 2017-2021 йилларда ривожлантиришга доир қарори асосида 350 га яқин объектда 400 миллиард сўмлик ишлар бажарилди. Жумладан, амфитеатр, стадион, маданият саройи, 480 хонадонли 20 та арзон турар жой, 250 иш ўринига мўлжалланган тикув цехи, “Мўйноқ аква санаот” корхонаси фойдаланишга топширилди. “Бўзатов” овул фуқаролар йиғини ҳудудида “Оқ кема” соғломлаштириш болалар маркази қурилишига 42,8 миллиард сўм маблағ сарфланиб, барча шароитлар мужассас этилди. Мўйноқда IT-марказ, “китоб-кафе” ёшларга хизмат кўрсатмоқда. Янги аэропорт ишга тушгани туман аҳли учун қувончли янгилик бўлди.

Шунингдек, дунёда ўхшаши йўқ, янги лойиҳага асос солиндан. Орол денгизининг қуриб қолган 1 миллион 200 минг гектарлик ҳудудига саксовул, чиркез, қандим ва чўл шароитига чидамли бошқа ўсимликлар экилди.

Бу ишлар халқимизнинг эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлаб, бунёдкорлик ишларига руҳлантирмоқда.

— Қорақалпоғистон ёшлари ҳам эртанги кунга шахдам қадам қўймоқда. Ёшлар етакчиси сифатида, уларни бир мақсад йўлида бирлаштириш қийин эмасми?

— Ёшлар муаммолари барча замонларда ҳам долзарб бўлса-да, уларга бугунгидек эътибор камдан-кам кузатилади. Бунинг тасдиғи сифатида кейинги йилларда ёшлар масалаларига

БУГУНГИ ЁШЛАРНИНГ ШИЖОАТИ БАЛАНД, САЛОҲИЯТИ ЮКСАК

Янгиланаётган Ўзбекистон тарихида туб ўзгаришлар бўлмоқда, янги марралар забт этилмоқда. Бу ислохотлар Қорақалпоғистонда ҳам бўй кўрсатмоқда. Бугун ҳар жабҳада ривожланишни, юксалишни кузатасиз, шунга ҳамоҳанг донишманд қорақалпоқ халқи интилишлари, яшаш тарзи ҳам ойдинлашган, ёшлар шижоати бир олам.

Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ёшлар ишлари агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бошлиғи Абатбай ДАНИЯРОВ билан суҳбатимиз шу каби ислохотлар мазмун-моҳияти ҳақида бўлди.



доир жами 40 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун қабул қилинганини айтиш мумкин.

Ўзбекистонда 30 июнь — Ёшлар куни этиб белгилангани, китобхонлик ва мутолаа маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани, 5 та муҳим ташаббус татбиқ этилаётгани ёшлар сиёсатидаги ислохотлардан саналади. Буларнинг барчаси биз, ёшларни бир мақсад йўлида бирлаштиришга хизмат қилади.

Қорақалпоғистонда 1 миллиондан зиёд ёш бор, улар ҳудуд аҳолисининг 57,8 фоизини ташкил этади. Ёшларни замонавий касб-хунарларга ўқитиш, иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка жалб этиш борасида катта ишлар олиб борилиб, 2017-2020 йилларда 22 мингдан ортиқ йигит-қизнинг бандлиги таъминланди.

2018-2020 йилларда ёшларнинг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 402 та лойиҳага 107 миллиард 992,8 миллион сўм кредит ажратилгани натижасида 1500 дан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Жорий йилда ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича манзилли режа асосида 27 минг 512 нафар йигит-қизнинг бандлигини таъминлаш режалаштирилган бўлиб, ҳозиргача 22 мингга яқин ёш ишга жойлаштирилди.

Шунингдек, “Мўйноқ келажиги бунёдкорлари” масъулияти чекланган жамияти ихтиёрига ажратилган 20 минг гектар ер майдонларини ишсиз ёшларга бериш орқали 1000 нафар, Қорақалпоғистон Республикасидаги вазирлик, идора ва ташкилот раҳбарлари томонидан 4000 нафар йигит-қиз оталиққа

олиниб, уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича бугунги кунда бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Чет элдан қайтиб келган ёшларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан Мўйноқ, Таштақўйир ва Бўзатов туманларида иссиқхоналар қуриб берилмоқда. Бунинг натижасида 300 дан ортиқ ёшнинг бандлиги таъминланди.

2017-2018 йиллар давомида Ёшлар иттифоқининг барча шахар ва туман кенгашлари Президент совғаси — “Спарк” ва “Матиз” автомобиллари билан таъминланди. Ёшлар иттифоқининг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ташаббуси билан “Жаслар-ТВ” телеканали ишга туширилди. Нукус шаҳри, Беруний, Мўйноқ, Қонлиқўл ва Бўзатов туманларида Ёшлар марказлари барпо этилди.

Алоҳида айтиш керакки, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда фаол иштирок этаётган йигит-қизларни рағбатлантириш мақсадида марҳум устозимиз Муса Ерниязов ташаббуси билан “Умит ушқини” кўкрак нишонини жорий қилинди.

2019 йил 27 декабрь куни Президент Шавкат Мирзиёевнинг мамлакат ёшлари билан видеоселектор тарзида ўтказилган учрашувида берилган топшириқлар асосида Нукус шаҳрида 150 ўринга мўлжалланган опера ва бахшичилик мактаб-интернати барпо этилди. Ёшларимиз олис мозиёдан мерос дostonлар, терма ва тулговларни ижро қилишни давом эттириши, овуллардаги қўбилиятларни кашф этиш мақсадида Шуманай, Элликқалъа, Мўйноқ ва Қўнғиротда ҳам ушбу мактаб филиалларини очишни режалаштирганмиз.

Бундан ташқари, ёшларимиз Зулфия, “Мард ўғлон”, “Ниҳол” давлат мукофотлари, “Ўзбекистон белгиси”, “Умит ушқини” кўкрак нишонлари билан тақдирланди. “Ёш китобхон” мамлакат танловида қорақалпоғистонлик 2 нафар ёш 1-ўринни эгаллаб, бош соврин — Президент совғаси бўлиши

белгилаб берди. Уларнинг тўққизинчиси ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш масаласи эди. Шу асосда юртимиз ёшларини қорақалпоғистонлик йигит-қизлар турмуши билан яқиндан таништириш мақсадида келаси йили Қорақалпоғистонда Ёшлар фестивали ташкиллаштирилади. Ёшлар ишлари агентлиги ва Маданият вазирлиги билан биргаликда 2021 йилнинг май-июнь ойларида Бўзатов туманида “Республика ёшлар овози” фестивали ўтказилиши режалаштирилмоқда. Ҳозир бу тadbирга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган.

Бундан ташқари, Амударё ва Таштақўйир туманларида барча қулайликларга эга Ёшлар марказини қуриш бўйича топшириқлар берилди. Ҳозирги кунда бу ишларнинг лойиҳа ҳужжатлари тайёрланмоқда. Шу аснода “Ёшлар дафтари”даги йигит-қизларни ҳам қамраб олиб, ўз сафимизга қўшмоқчимиз.

— Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда. Бу қутлугʻ жараён ҳақида фикрингиз қандай?

— Жаҳон миқёсида юртимиз ҳақида сўз кетганда, “Янги Ўзбекистон” ибораси тилга олинаётгани кейинги йилларда тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйилганидан далолат.

Инсон манфаатларини таъминлаш, одамлар билан мулоқот қилиш, халқнинг дарду ташвишлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш ва ҳал қилиш, шунингдек, жойлардаги муаммоларни чуқур таҳлил этиш механизми ва давлат органлари, мансабдор шахсларнинг жамият олдидаги масъулиятини ошириш, уларнинг фаолиятини баҳолаш... Менимча, давлат бошқарувида янги ҳаёт ёндашув ва янги ҳаёт усули. Бунинг натижасида халқимиз уйғонмоқда ва тараққиёт сари олға бормоқда. Бу Ўзбекистондаги Учинчи Ренессанс даври пойдеворига тамапл тоши қўйилгани демекдир.

Барчамиз гувоҳмиз, бугун халқимиз ижобий ўзгаришлар ташаббускори ва бунёдкорига айланмоқда. Қайси соҳани олмайлик, қайси жабҳага назар солмайлик, илгари сурилаётган халқ ташаббуси, албатта, қўллаб-қувватланмоқда, шароит яратилмоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг 29 йиллик байрамида Президентимиз айнан шу масалаларга тўхталиб, “Халқимизнинг улугʻвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш — Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айни ҳақиқат бўлади. Чунки бугунги Ўзбекистон — кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас”, деди. Шунингдек, ёшлар ҳақида қатъий ишонч билан: “Математика, кимё, биология — фундаментал фанларни чуқур ўргатилик, инновацияларга йўл очайлик, ёшларнинг маърифати, маънавияти бош масаламиз, стратегик вазифамиз, устувор йўналишимиз”, дея бизни янги ҳаёт ёндашувларга, замонавий фикрлашга ундагани замирда ҳам кўп гап бор. Зеро, бугунги ёшларнинг, мустақиллик даври йигит-қизларининг шижоати баланд, илмий салоҳияти юксакдир.

Ишончимиз комил, Учинчи Ренессанс даври тарихимиз саҳифаларида улкан қашфиётлар, глобал ўзгаришлар ўз берган, ажодларимизга муносиб даҳолар етишиб чиққан буюк бунёдкорлик асри бўлади.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Минахатдин ҚУТЛИМУРАТОВ суҳбатлашди.

БАРҚАРОР ИШ ЎРНИ МАҚСАДГА ЕТКАЗАДИ

Хайриддинмурод АБУЛФАЙЗОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш долзарб масалалардан биридир. Чунки ҳар бир инсон юрагидаги эзгу мақсадларнинг рўёбга чиқишини даромад келтириб турадиган моддий манбасиз тасаввур этиб бўлмайди. Барқарор иш ўрни мавжудлиги эртанги кунга ишонч бериб, ҳаракатчанликни, пировардида рисоладагидек турмуш тарзини кафолатлайди.

Шу маънода Навоий вилоятидаги Халқ қабулхонаси, ёшлар ишлари агентлигининг вилоят бошқармаси, сектор раҳбарларининг ҳамкорлиги бу борадаги муаммоларни ижобий ҳал этишда муҳим омил бўлмоқда.

Айни пайтда вилоятда 18-30 ёшли 235 минг 972 нафар йигит-қиз қайд этилган. Жорий йилда улардан 15 минг 201 нафари ишсиз ёшлар рўйхатида киритилиб,

шу кунга қадар аксар қисмининг бандлиги таъминланди. Иш ўринлари, асосан, қишлоқ ҳўжалиги, тадбиркорлик, қурилиш каби соҳалар ҳиссасига тўғри келади. Бу йил 25 минг 198 та янги иш ўрни ташкил этилиши қолган ёшларни ҳам иш билан таъминлаш имкониятини пайдо қилади.

Жумладан, Қизилтепа туманида “Ҳар бир ёшга — бир гектар” лойиҳаси доирасида 558 нафар йигит-қизга



ер ажратилиб, экин майдонларини шудгорлашдан уруғлик етказиб беришгача бўлган жараёнда яқиндан кўмаклашилди. Айни вақтда мазкур майдонларда турли полиз экинлари ҳамда сабзавотлар етиштириляпти. — Бекзод Жўрақулов ҳам лойиҳа доирасида ер майдонига эга бўлган ёш фермерлардан. У ўзига ажратилган ҳудудга кунгабоқар экиб, мўл ҳосил йиғиштириб олади.

— “Ҳар бир ёшга — бир гектар” лойиҳасининг йўлга қўйилгани биз, ёшлар учун қулай имконият бўлди,

— дейди Бекзод Жўрақулов. — Қўч-қувватимизни беҳуда ишларга эмас, серурум ва саховатли заминимизга сарфлаймиз. Саъй-ҳаракатимизга яраша даромад топиб, рўзгоримизни бутлаймиз. Халол деҳқончиликда барака бор, дейишади. Шу нақлга амал қилиб, бозорбоп маҳсулотлар етиштиришга ҳаракат қилияман. Тез орада интилишим самара беришига ишонаман.

Қизилтепалик Сирожибдин Саидовга ҳам лойиҳа доирасида бир гектар ер ажратилган эди. Ота-боболари миришкор ўтган йигит ҳеч иккиланмай, узум етиштиришни йўлга қўйди. Бир гектар майдонда узумнинг ўнга яқин нави ўсмоқда. Ёш фермер боғдорчилик ортидан оиласига моддий даромад келтириш баробарида, тенддошларини ҳам иш билан таъминлаган. У майиз тайёрлашни йўлга қўйган. “Бу йил ҳосил ҳар қанчондан мўл, даромад ҳам шунга яраша бўлади”, дейди Сирожибдин Саидов.

Хатирчи туманида ҳам ёшлар қишлоқ ҳўжалиги, касаначилик ва хўнарамандлик бўйича маҳоратини оширмоқда. Хусусан, боғдорчилик, асаларичилик ҳамда “Ҳар бир ёшга — бир гектар” лойиҳаси доирасида ажратилган ер майдонларидан мақсадли фойдаланишга жиддий эътибор қаратилган. Туманда 766 нафар ёшга ер майдони ажратилиб, тақрорий экин сифатида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирилмоқда.

Навоий шаҳрида 1 612 нафар ишсиз ёш рўйхати шакллантирилган эди. Бугунги кунга қадар 1 548 нафарининг бандлиги таъминланди. Шаҳарда ўз бизнес лойиҳаси орқали тадбиркорлик фаолиятини бошлаган ёшлар кўп. “Navoi platinum” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Наврўзбек Очилов шундай интилувчан ёшлардан. У “Ёшлар — келажакимиз” жамғармаси ажратган 1,5 миллион сўм имтиёзли кредит ҳамда шахсий маблағидан самарали фойдаланиб, 2018 йили темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхонани ишга туширганди. Айни пайтда у раҳбарлик қилаётган муассасада 15 нафар ёш доимий иш билан банд.

— Айни пайтда корхонамизда беш турдаги маҳсулот ишлаб чиқариляпти. Юртимизда кенг қўламли қурилишлар олиб борилаётгани туфайли маҳсулотларимизга талаб юқори. Худудимиздан ташқари Бухоро, Самарқанд, Жиззах вилоятини ҳам темир-бетон

маҳсулотлари билан таъминляпмиз, — дейди Наврўзбек Очилов. — Маҳсулот хомашёсининг вилоятимизда ишлаб чиқарилаётгани ва имтиёзли кредит фоизининг камлиги олаётган даромадимиз салмоғига ҳам ижобий таъсир этапти. Айни пайтда ишчиларимиз 3,5-4 миллион сўмгача маош оляпти. Бу имкониятлар мен каби ёшларни янги марраларга руҳлантиради. Яқин йилларда ишлаб чиқариш тармоғини бундан ҳам кенгайтириш ниятидаман. Мамлакатимизда компьютер хизматлари кўрсатиш, айниқса, дастурчилик фаолиятига талаб кун сайин ортмоқда. Шу боис, қўллаб ёшлар ахборот-коммуникация соҳасида ишлаш истагини билдирмоқда. Масалан, Шохжаҳон Тотлибоев ҳам болалигидан ахборот технологиялари билан ишлаш сирларини мукаммал ўзлаштирди. Айни пайтда у ишлаб чиққан дастурлар жамиятимизга манфаат келтириш билан бирга, ёш дастурчи оиласининг моддий фаровонлигини таъминлашга ҳисса қўяяпти.

— Ҳозир ахборот-коммуникация технологиялари ривожига катта эътибор қаратилляпти. Дастурчилик фаолиятига қизиқувчи ёшлар қўллаб-қувватланяпти. Биргина “Бир миллион дастурчи” лойиҳасининг йўлга қўйилгани қўллаб ёшларнинг мақсадини рўёбга чиқаришга кўмаклашмоқда, — дейди Шохжаҳон Тотлибоев.

Халқ қабулхоналари, Ёшлар ишлари агентлиги ва секторлар ҳамкорлиги ёшларнинг қаддини тиклаб, ҳаётда ўз ўрнини топиши учун кенг имконият ва қулай шарт-шароит яратиб беришда муҳим платформа вазифасини ўтамоқда. Ёшлардан фақат астойдил меҳнат қилиш, Ватанга дахлдорчилик ҳисси билан яшаш талаб қилинмоқда, холос. Зеро, бугунги шиддатли ва мураккаб даврда халқимиз дастурхонининг тўқинлиги, фаровон ва бахтли ҳаёт кечирishi, аввало, ёшларга севган ишнини, барқарор даромад манбаини топиб бериш билан камбарчас боғлиқ.





“КЕЛУР ОХИР СЕНИ ҲАМ ЙЎҚЛАГУДЕК БИР ЗАМОН ЯХШИ”

Исмоил САИФНАЗАРОВ,
профессор
Азамат МУХТОРОВ,
профессор

Жамиятимизда аҳоли, айниқса, ёшларнинг маънавий ва маърифий савиясини доимий юксалтириш ишига биринчи даражали масала сифатида қаралмоқда. Шу боис, “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” деган дастурий ғоя асосида ёшларни она юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етати.

Ҳаёти ва ижодини ўрганишимиз зарур бўлган маърифатпарвар боболаримиздан бири — XIX аср охири ва XX аср бошларида тараққийпарвар ўзбек ижтимоий тафаккури ва адабиёти намояндалари орасида олдинги сафларда турувчи Мухаммад Аминхўжа Мирзахўжа ўғли Муқимийдир. Ўзбек ёзувчиси, шоир, сатирчи, ўзбек реализми асосчиларидан бири бўлган мутафаккирнинг “Муқимий” тахаллуси — “доимийлик” маъносини англатади.

Муқимий 1850 йил Қўқонда, новвой Мирзахўжа оиласида таваллуд топган. Отаси тошкентлик, онаси Ойшабиби хўжандлик ичда, Қўқонда яшаб қолганлар. Оилада беш фарзанд ичда, Муқимий ёлғиз ўғил эди. Новвойлик билан оила тебратувчи Мирзахўжа фарзандининг савод қаришига жиддий эътибор берган бўлса, шеърятга иштиёқ ва қобилиятининг шаклланишига онаси Ойшабибининг ўрни бениҳоя каттадир. Ойшабиби аjoyиб таълимга эга, оғзаки ижоди жуда яхши билган иқтидорли шоира бўлган. Айнан шу аёл туфайли Муқимийда шоирона иқтидор ривожланади, аёл ўғлини Алишер Навоий, Жомий каби ижодкорлар қиёфасида шарқ мумтоз адабиёти билан таништиради ва умрининг охирига қадар уларга бўлган муҳаббати сақланиб қолади.


Ўзининг биринчи шеърини ўн ёшида ёзган Муқимий 1872-1873 йилларда маҳалла мактаби ва Бухородаги Ҳоким ойим мадрасасида таълим олади. 1876 йилда уни битириб Қўқонга қайтади, оила куради. Хатми мадраса қилган Муқимий аввалгига Қўқон ер ўлчаси маҳкамасида мизралик қиларкан, ўз вази-фасига кўра, Қўқон ва унинг атрофидаги қишлоқларга тез-тез чиқиб, деҳқонларнинг турмуш шaroитлари, аянчли аҳоли билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлди. Лекин у ер маҳкамасида узок ишлай олмади. Аммо бу муддатнинг ўзи ҳам шоир ҳаёти ва дунёқарашида сезиларли из қолдирди.

Шoирнинг таржimai ҳoлини ёзган кишиларнинг маълумoтига қараганда, кўпинча у шаҳар бўйлаб ва, айниқса, қамбағаллар, хунармандлар, фақирлар турадиган маҳаллаларда пиёда кезиб юришни яхши кўрган.

Мозий — ҳақиқатнинг тарозиси

охир сени ҳам йўқлагудек бир замон яхши” ва бошқалар.) Ҳасрат, шикоят, норозилик мотивлари мавжуд бўлган шеърларида ҳам келажакка ишонч, фаровон ҳаёт ҳақидаги орзу-идеаллари акс этган.

“Дар мардуми Оқжар батариқи муҳаммас” асаридан маълум бўлишича, Муқимий 1870 йилнинг охирларида Қўқоннинг ғарби-шимолидаги Сирдарё ёқасида жойлашган Оқжар паромиди паттачи бўлиб ишлаган. Бу янги вазифа ҳам шоирга меҳнаткаш омма вакиллари, қишлоқ деҳқонларининг турмуш шaroитлари билан бевосита танишиш имконини берди. Қаттиққўл, муттаҳам паром хўжайинлари билан келиша олмаган Муқимий XIX асрнинг 80-йиллари бошларида Қўқонга қайтади. Оилавий ҳаётда ҳам фароғат топмаган шоир ҳoлини ташлаб, ўша Бегвакча маҳалласида Ҳазрат мадрасаси хўжрасига кўчиб чиқади ва умрининг охирига қадар муҳтожликда, ўз таъбири билан айтганда, ўша “хўжраи танг ва торликда бекаслик ва ғариблик чирогини ёқиб” умр ўтказади. Шу вақтдан бошлаб Муқимий бутун вақтини ижодий иш, шахсий мутолаага бағишлади, ҳуснихат ва котиблик билан шуғулланди. Зокиржон Фуқрат гувоҳлигига кўра, бу йилларда Қўқонда муттасил равишда ҳаракат қилган адабий йигин-анжуман ишларига



Адиб ўз даврнинг кундалик меҳнатларида юксак даражали сатирик асарлар яратди, бу асарларда у эксплуататор синфлар вакилларининг ҳақиқий юзини очиб ташлади, XX аср бошларидаги ўзбек танқидий ижтимоий тафаккурини ўткирлаштирди, илдамлаштирди. Уша даврдаги ўзбек тараққийпарвар ижтимоий тафаккури ва адабиёти ривожланишининг тарихини англамоқ учун машҳур демократ шоир,

Муқимий ийрик ижодкорлар Муҳайир, Завкий, Нисбатий қаторида фаол қатнашади, давр адабий ҳаракатига етакчилик қилади. Доимий моддий етишмовчилик, яшаш шaroитининг ниҳоятда огирлиги шоир соғлиғига путур етказади, у огир дардларга чалинади. Шоир меросида даврдан, маънақатли турмушдан, огир тақдиру забун толедан шикоят, мунису ҳамдард йўқлигидан нолиш оҳанглари кенг ўрин тутди бошлайди.

Муқимийнинг илгор дунёқарашини, фаровон ҳаёт ва озод жамият, инсоф ва адолат, баркамол инсон ва инсонийлик, иймон-эътиқод ва эрк ҳақидаги орзу-интилишлари билан мустамлака шaroити, мавжуд адолатсиз тузум, зуравонлик ҳукмрон бўлган замона уртасидаги жиддий зиддик, юксак идеал билан разил борлик ўртасидаги номутаносиблик унинг ижодида воқеаликка инсбатан кескин танқидий муносабатнинг узил-кесил шаклланишига олиб келди.

Бу унинг ҳажвиётда кўпроқ акс этган. Ҳажвиёт мазмунан сатир ва юморга бўлинади. Сатираларида чор амалдорлар, айрим маҳаллий бойларнинг кирдиқорлари очиб ташланган (“Танобчилар” ва бошқалар). “Сайлов”, “Дар мазаммати замона” ва бошқаларда ўлкага кириб келаётган капиталистик ва ғайрияхлоқий муносабатлар ҳамда уларнинг оқибатлари кўрсатилган. Муқимий ҳажвиёти учун “хомашёни”, аввало, чоризм ўрнатган мустамлакачилик тартиби, ҳукмрон адолатсизлик ва зуравонлик, инсон ҳақ-ҳуқуқларининг топталиши, чор ва маҳаллий амалдорларнинг ўзбошимчалиги ва шафқатсизлиги, алдамчилик ва ахлоқий тубанликлар берди. Меҳнаткаш омма, хунармандларнинг огир иқтисодий аҳоли, мустамлака зулми остидаги шаҳар-қишлоқларнинг вайронига айланиши, ночор шахс тақдири Муқимий ҳажвиётда етакчи ўринни эгаллайди.

Шoир ўзбек адабиёти тарихида ижтимоий-сиёсий ҳажвиётнинг асосчиларидан бири бўлиб майдонга чиқди. Унинг қатор ҳажвиётирини шу йўналишнинг етук намуналари сирасига қўйиш мумкин. “Танобчилар”, “Воқеаи қур Ашурбой Хотин”, “Московчи бой” каби ҳажвиётирида мустамлака тузуми учун хос бўлган ҳаётини мавзулар — жамиятдаги ижтимоий тенгсизлик, табақаланиш, ҳукмрон адолатсизлик каби жуда жиддий масалалар таҳлил этилдики, бу Муқимий ҳажвиётининг сиёсий йўналиши ва ғоявий камолотидан гувоҳлик беради.

Муқимий от, арава, лой, безаг каби мавзуларда 30 га яқин ҳажвий асар яратган. Уларда турмушнинг қолоқ ва чиркин ҳижратлари, ижтимоий ондаги нуқсонлар устидан кулган, мустамлакачилик азоби, харобаликни захархандилик билан тасвирлаган. “Девонамен”, “Кўсамен”, “Ҳайрон қилди лой”, “Шикоят бозар” ва бошқа бир қатор ҳажвиётирида жамият ҳаётинидаги ўзгаришларга янгича муносабат акс этган (“Таърифи печ”, “Ароба қурсин”, “Лой” ва бошқалар).

У илгор зиели сифатида дунёвий ҳаётини тан олди, аскетизмининг инкор этди. Маънавий бузуқликни қоралади, хунарни, дунёвий биллимлини ўрганишга даъват қилди, жаҳолатпараст мулгалар, “авлиёлар”ни танқид қилди, бебошликка, зуравонликка, зулмга қарши каттиқ норозилик билдирди. Унинг қарашлари нақадар танқидий бўлишига қарамай, мушоадада характерида бўлиб, бирмунча либерал ғоялар билан суғорилган эди. Демак, ўзига хос фалсафий, тарихий шарт-шaroитлар туфайли, ўша вақтларда ўзбек деҳқонлари ва шаҳар қамбағаллари ижтимоий асосининг бўшлиғи сабабли Муқимий демократ даражасига кўтарила олмади.

ватанпарвар ва мутафаккир Муқимийнинг ижодини, албатта, чуқур ўрганмоқ зарур. Муқимий бу ҳижратдан қараганда, ўзбек адабиётда мистикага, клерикал ғояларга қарши ўлароқ, реализм йўлини олға сурди.

Рус тарихчи, антрополог олими, Туркистоннинг дастлабки тадқиқотчиларидан бири Николай Петрович Остроумов (1846-1930) Қўқонда бўлган вақтида ўзбек ҳофизларининг ҳиқшқирлини эшитган ва бу ҳақдаги ўз таассуротларини қуйидагича баён этган: “Бу ўрта ашулани бир қанча ашулалар, шу жумладан, “Викторбой” деган сатирик ашулани ҳам айтди. Ашуланилар қўлларига патнус олиб, жуда ҳам завқланиб жўр қилишди, кўчалардаги тўда-тўда одамлар мароқ билан тинглашди”.

Қўқориди маълумот шундан далолат берадики, Муқимий XIX асрнинг 90-йилларидаёқ сатирик шоир сифатида халқ орасида машҳур бўлган. Муқимий сатираси қамбағаллар устидан зулм ўтказиш ва ўғирлик йўли билан ортираридиган мулкдорлар синфининг иккиозламачилигини, макр-хўйласини ва оқўзлигини моҳирона фoш қилиб беради. “Туркистон виллоятининг газети”да 1891 йил 26 октябрдаги 41-сонда Муқимийнинг “Навбахор” шеър босилди. Муқимийнинг бу шеърини унинг бошқа шеърлари каби кувнок рух ва янги фикрлар билан тўла эди.

1893 йилда Муқимийнинг биринчи қўлёзма “Баёз”и чиқди. Бунда унинг лирик шеърлари, Навоий, Жомий, Бедил ва бошқа шоирларнинг газалларига бағишланган муҳаммаслари киритилган.

Муқимий ўзбек адабиётига ишчилар мавзусини олиб кирди, типлар гаперейсини яратди. Унинг “Танобчилар”, “Московчи бой таърифида”, “Воқеаи Виктор”, “Туй”, “Баҳчағар” ва “Саёҳатнома” шеърлари чуқур таҳлил қилинган. Турли шаҳар ва қишлоқларга қилган саёҳатлари таассуротлари асосидаги 4 қисмли “Саёҳатнома” асари енгил, ўйноқи вазнда ёзилган, 4 мисрали бандлардан ташкил топган. Унда халқ турмушининг огирлиги, қишлоқларнинг вайроналиги реалистик тасвирланган.

Шoирнинг таржimai ҳoлини ёзган кишиларнинг маълумoтига қараганда, кўпинча у шаҳар бўйлаб ва, айниқса, қамбағаллар, хунармандлар, фақирлар турадиган маҳаллаларда пиёда кезиб юришни яхши кўрган.

Муқимий табиятини, баҳорни, севгини, ҳаёт нашидасини улугўлайди, Шарқ поэзиясининг исторасидан фойдаланиб, ўз замонасидаги меҳнат ахлининг огир мушобитини кўрсатади. Муқимийнинг ижоди, фикрлари, қарашлари, орзу-хаёллари ва интилишлари ўз замонасидаги ижтимоий шaroитлар маҳсулидир.

XIX аср охирлари ва XX аср бошлари миллий адабиётимизда юмористик йўналишнинг ривожланишида ҳам Муқимийнинг ижодий фаолияти жуда катта бўлди. Шоир қўлида қўлги қўлоп қаттахда ёки шунчаки ҳушчақнақлик, бақкана мутолиба эмас, балки ҳаётдаги қолоқ, тараққиётга тўсиқ ғовларни, шахслар онги ва табиятидаги ожизлик ва салбий белгиларни, хунуқ феъл-атвор ва ўринсиз ҳатти-ҳаракатларни қоралаш, танбёх бериш, огоҳлантириш вазифасини ўтаган.

Умуман, ўзбек адабиёти ва ижтимоий тафаккури тарихида Муқимийнинг ҳизматлари ниҳоятда катта. Шу билан бирга, унинг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий қарашларида маълум чекланганлик, зиддиятлар мавжудлигини ўша даврдаги тарихий, ижтимоий-сиёсий ва маърифий муҳит даражасидан келиб чиқиб баҳоласак, тўғри бўлади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2020 йил 28 октябрь, 206-сон

Тақдимот


Азалий қадриятларимиз ва ахлоқий фазилатларни ўзида мужассам этган муқаддас динимизни асраш ва қадрлаш ҳар биримизнинг шарофли бурчимиздир. Ислom — ҳақиқатни англаш демакдир, у одамзодни эзгу амаларни бажаришга ундайди, ҳар биримизни яхшилик ва тинчликка қорлайди, ҳақиқий инсон бўлишни ўргатади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

“ИСЛОМ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ”: ИЛМ АҲЛИ УЧУН НОЁБ ТУҲФА

Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ўзбекистон халқаро ислом академиясида “Ислom энциклопедияси” нашрининг янгидан тайёрланган биринчи жилди тақдимоти бўлиб ўтди.




Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Дин ишлари бўйича қўмита ва Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳамкорлигида ташкил этилган онлайн тадбирда профессор-ўқитувчилар, исломшунос олимлар, турли давлат ва жамоат ташкилотлари, республика мидаги барча таълим муассасалари вакиллари, илмий-тадқиқотчилар, ўқитувчи ва талаба ёшлар иштирок этди.

Онлайн анжуманда кенг қамровли ва кўп жилдли “Ислom энциклопедияси” 1-томининг яратилиш жараёнлари ҳақида тўлиқ маълумот берилди, олим ва мутахассислар томонидан бу борада фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Мазкур нашрни Президентимизнинг 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 июндаги “Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш чора-

— “Ислom энциклопедияси” режа бўйича 20 жилддан иборат бўлади, — дейди Дин ишлари бўйича қўмита раисининг биринчи ўринбосари Музаффар Комилов. — Кенг қамровли, академик нашлада динимиз равнақиға ҳисса қўшган буюк шахсларнинг илмий фаолияти, ислом дини асослари, муқаддас қадимжo ва зиёратгоҳлар, саҳоба ва тобеъинлар, муҳаддис, фақиҳ, муфассирлар ҳақида 1000 га яқин мақола, атамa ва сўз бирикмалари, безак материاللари, ҳарита ҳамда чизмалар ўрин олган. Айрим шахслар, воқеалар, атамалар илк марта илмий муомалалар киритилди. Аввал тайёрланган китоблардан



тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида тайёрлашга киришилган, — деди филология фанлари доктори, профессор Зоҳиджон Исмолов. — “Ислom энциклопедияси” илмий-академик нашр бўлиб, у республика мида илмий жамоатчилиги, таниқли профессор-ўқитувчилар, исломшунос олимлар ҳамда АҚШ, Буюк Британия, Туркия, Жазoир, Россия ва Қoзoғистоннинг машҳур олимлари ҳамкорлигида тайёрланмоқда. Шу боис, мазкур нашр ҳақон илм-фани тараққиётда ўзига хос аҳамият касб этади, десак муболаға бўлмайди.

Анжуманда юртимизда “Жаҳолатга қарши маърифат” ғояси асосида ислом динининг асл моҳиятини кенг ёритиш орқали дунё цивилизациясига бебаҳо ҳисса қўшган аждодларимиз бой маънавий меросини чуқур ўрганиш ва ёшлар онгу тафаккурини ривожлантириш борасида тизимли ишлар олиб бoрилаётгани ҳаётини мисоллар асосида таҳлил этилди. Муқаддас динимизда илм-маърифат, эзгулик ва бунёдкорлик, муҳтожларга кўмак бериш каби туйғулар доимо юксак қадрланиши мазкур яратилган китобда яна бир бор ўз таъдигини топаётгани муҳим аҳамиятга эгаллиги таъкидланди.

фарқли равишда янги манбалар билан бойитилган. Мазкур энциклопедия илм аҳли учун ноёб туҳфа бўлди, десак адашмаган бўламиз.

Дарҳақиқат, энциклопедия ўзининг мазмун-моҳияти ва хусусиятларидан келиб чиқиб, илгари чоп этилган араб, турк, урду, форс, инглиз, немис, француз тилларидаги “Ислom энциклопедиялари”дан тубдан фарқ қилади. Китобни тайёрлашда юртимиз ва минтақа мусулмонлари учун аънавий бўлган ҳанафий-матуридийлик тамойилларидан келиб чиқиб ёндашилган. Мақолалар ёзиларида илмийлик ва ҳолислик мезонларига амал қилинган. Мақолаларнинг аксарият қисми бирламчи манбалар — Қуръон, тафсиr, Ҳадис, илмий-маърифий тадқиқотларга асосланган.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси Матбуот хизмати-дан хабар беришларича, нашр ишларида юртимиз ва хориқлик исломшунослар, диншунос, филолог, манбашунос ва бошқа соҳа вакилларидан иборат 200 нафардан ортик муаллиф, 50 нафарга яқин тақризчи ва маслаҳатчи иштирок этди. “Ислom энциклопедияси”нинг наватдаги жилдлари бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: **Салим Дониёрoв**

“Янги Ўзбекистон” газетаси учун масъул:
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари
Бахтиёр Абдусатторов

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида сақлалади. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Бююртма** — 2830.
42210 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қoғoз бичими** А2.
Баҳoси келишилган нарҳда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонаси. Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Эпбек кўчаси, 8-ўй. Босмахона телефони: (71) 230-27-76

Наватчи муҳаррир: Нодир Маҳмудов
Мусаҳҳих: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-ўй

ЎзА якуни — 00:30 Топширилди — 01:30

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўёнлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru